

СССР ЭЗУВЧИЛАР СОЮЗИ



ОТАШИН МИСРАЛАР ҚОҒОЗГА ТУШАРКАН...

ФАФУР ҒУЛОМ Улуғ Ватан уруши йилларида қизин ижод қилди...

тушини бузишга берилмас ҳуқуқ.

«Мен етим Усанман» сатри билан бошланувчи банднинг қўлёзмадаги дастлабки нусхаси ҳам гарчи шоир уларни кейинчалик ижодий қайта ишлаган бўлса-да...

Шоирнинг уруш йилларида оид шеърларининг қўлемлари, уларнинг илк нашрларини қўздан кечириб санъаткор ҳар бир асарини улкан маъсулия билан яратганини кўрсатади...

Жиндақ эркалашга нигизор эдим, Кўча ва кўйларда маънос дарбадар...

Архивда «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» шеърининг тўрт дастхати ва машина нусхаси сақланади...

Исҳоқ Богистоний ўзи ҳақида ривоят қилиб, «умр дафтаридан олтинчи саҳифа варақданан» пайтда...

Ватан бўйлаб ёзилур алвон дастурхон, Жаҳон бўйлаб ёзилур дўстларга нома...

Исҳоқ Богистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» қандай қўлёзма, унинг автори ким?


Машҳур «Сен етим эмассан» шеърининг исора қаламда ёзилган тўрт саҳифадан иборат дастхати ва машина нусхаси сақланади...

Исҳоқ Богистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» қандай қўлёзма, унинг автори ким?

Бу ерда музлаган аждар ҳалқумли Малтун шарпаларнинг Дағдағаси йўқ...

Исҳоқ Богистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» қандай қўлёзма, унинг автори ким?

ФОТОМУХБИР
АРХИВИДАН
Ўзбекистон ССР ҳақда
шоир Собир Абдулла.



1985 йил. С. МАҲКАМОВ фотоси

«ҚАБИҲ ОНЛАРДА ЭРКНИ КУЙЛАДИМ, ДЎСТЛАР...»

АВАЗ УТАРНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

XIX аср охирида Россия инқилобий ҳаракатлар уюмга айланади. Биринчи рус революцияси, кейинги революцион ҳаракатлар синфий эҳтишларни янада кучайтириб юборди...

Аваз Утар адабиётимиз тарихида «Фалон» туркуми деб ном олган машҳур туркуми яратди. Бу туркумдаги шеърларда конкрет шахслар — ҳон саройидаги амалдорлар, бойлар, дин ва шарият пешволари тилга олинди...

Аваз Утар шу кураш жараёнида тобланиб, ўсиб, улғайди. Аваз ижодийлигида илгор ғоялар, инқилобий фикрлар бирданга пайдо бўлгани йўқ...

Фалон авбодек лязнатмош олам аро йўқдур, Ки мамжўи ҳаромизодлар бўлмиш анго чоқар...

Сарой муҳитига, сарой адабиётига нафрат Аваз ижодига янги йўналиш — сиёсий лирикани вужудга келтирди...

Исҳоқ Богистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» қандай қўлёзма, унинг автори ким?

ХVII — XVII асрларга тегишли тарихий маъназа манбаларда то сўнги пайтларгача Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид тўла-тўлиқ ва рўй-рост илмий тасаввур берувчи муфассал хабарларнинг маълум бўлмади...

Исҳоқ Богистоний ўзи ҳақида ривоят қилиб, «умр дафтаридан олтинчи саҳифа варақданан» пайтда...

Исҳоқ Богистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» қандай қўлёзма, унинг автори ким?

Исҳоқ Богистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» қандай қўлёзма, унинг автори ким?

МАШРАБНИНГ БОҒИСТОНЛИК ДЎСТИ

ТАЪКИКОТ * АХБОРОТ

Бир қўлёзма тарихи • Богистоний ким? • Машрабнинг икки дўсти • Исёнкор сўзлар • Дарбадарлик сабаби

ри ишрақийўн, аҳли хирка пешвои Гумно, бу нобокнинг илқингизда бўлмиш «Дастари ашъори калонидин бирсини ўқийгайсиз, токи ҳозирийўнлар аниқ бемаъни каломин эшитиб, куфр бобинда на даражага ётқонидин воқиф бўлғайлар...

ри ишрақийўн, аҳли хирка пешвои Гумно, бу нобокнинг илқингизда бўлмиш «Дастари ашъори калонидин бирсини ўқийгайсиз, токи ҳозирийўнлар аниқ бемаъни каломин эшитиб...

Дилмиш нима айлаб, бас, менга солдинг жудолгини, Соғурдинг, елга бердинг, ҳайф, бу аҳлу ошнолгини...

Ушбу байтлардин Хўжам Пошонинг муборак диллари озор толиб, газабнок бўлиб, «Бас», тедилар.

Машраби мажзубга юзлануб тедиларки: «Е Машраб, фақир ва содиқ мурдларнинг борсинда мундоғ ҳақоратомуз ва ношён сўз айтмоққа на деб журъат этмушен!

Алғараз, бир ой муддатдин сўнг фақир зиндондин халос бўлғонда жабрдийда Машраби мажзуб халотлик туйғайди Кошгар қаландархонасинда жойиниши эрдилар...

ИСҲОҚ БОҒИСТОНИЙ ЁЗАДИ:

Пирмат Сеторий ривоят қилдиким, бир неча фурсат фақир ва Машраби мажзуб Хўжам Пошонинг эзлик қароғоғи бўлмиш Гумноғ мазуниндаги боғинда хизмат адосинда бўлди...

Машраби мажзуб ва фақир борсинда ҳам ушбу бадкирдорлар айғоқчилиқ қилуб, бўлар-бўлмас сўзларни кўпиртириб, Хўжам Пошо ҳузурда эрга этурмушди...

МАШРАБ ФАЗАЛ

Қадди меҳнат тоғиндин тям бўлғон эй, бечоралар, Бағри ваҳшат тигдинин эй, пора ҳам эрларар...

МУҲАММАС

Этагини еппишдинин юз ҳудо пайдо бўлур, Бу дилмиш қавламанг, оташқанд пайдо бўлур...

Дил туташди нуфр ўтнга шайх фавосин кўриб, Ул ситамгар ришвахўрлар зухд тақвосин кўриб...

экан қачон...» шеърларида ҳам инқилобий ғоялар ифода топган. 1917 йил февраль буржуа революциясидан сўнг ёзилган «Йўқ бўлинг» шеъри Хоразмда вужудга келган...

Кўларини оҳиста-оҳиста агар очса замон, Эй Аваз, бўлмас мунингдек борхо оворга халқ...



Хева — музей шаҳар. Бу ердаги тарихий обидалар шаҳарга таширф бўйраган ҳар бир меҳмонни ҳайратга солади. Ўзбекистон ССР ҳалқ шоири Шукрудло Хевада. Қ. ҚАДАМОВ фотоси

Воҳид АБДУЛЛА

ҲИҚМАТЛИ БАЙТЛАР

Ҳамма нарса қариса ҳам, дўстлик сира қаримас,
Дўстлик бунёдкорликлари одамзоддан аримас.
Фикру идрок монолитдай, метин ирода,
Меҳнатимиз ризқимизни айлар зиёда.
Умрга — умр кўшай десанг, феълнингги кенг тут!
Лақмаларнинг даврасини бир умр унут!
Ўзингни эр биларкансан — кўшининги шер бил!
Ҳамжихатлик бўла олур бахтинга қафил!
Беғамлик — бепарволик бошга балодир,
Сергаклик билан одам аршини олодур.
Қадрдонлик қадрдонлар қадрига етмоқ демас,
Қадр-қиймат қоматин қоматбаланд этмоқ демас.
Кимдир кимга қасд қилса-ю хусумат тутса дилда—
Унинг ҳадиғи чўпдану умрин тақдирини қилда!

Бахил боғи кўкармайдн, сахийликда ҳикмат кўп!
Бу ҳикматга йўғрилганинг манглайини силаб, ўп!

Бугундан ҳам эртанги кун бўлсин десанг яхшироқ,
Биродарим, яхшиларга—яхшироқ боқ, яхшироқ!
Ўзни яхши билган одам, ўзгани ҳам билғуси,
Ўзига ҳам, ўзгага ҳам, ўбдон хизмат қилғуси.
Лаҳзаликнинг оламчалик аҳамияти бор бўлсин!
Лаҳзаликнинг асрларнинг қудратига ёр бўлсин!
Ким талабгори илм — унинг ёри илм!
Ери илмнинг файзёб — қору бори илм!
Фойдасиз олминни ҳеч ким ҳам олмин демас,
Денгиз тубида гавҳар бўлади, бетиди — хас!
Эл-юрт билан бўлсангиз гар ҳар минут,
Бўлмагайсиз ҳалқ ичида ҳеч унут!
Нима эсда қолар бўлса — ўшанга ҳаёт, дерлар,
Халқ хизматини ўтаганлар — халқда барҳаёт, дерлар.

Мулло Воҳид Абдуллолик ҳикматомўзлиқ бир сўз
Ҳамма бобда толиблиқда кўришайлик юзмаюз!

Маши...

С. МАҲКАМОВ фотоси



Охунжон ҲАКИМОВ

ОДАМГА КЎП НАРСА ДАРҚОРМАС...

Тонг билан уйғонди,
Ҳа, яна тонгда
Борлиқ маст уйқуда,
Сокин ҳамма ёқ,
Тонг титраб турибди кўрғошин ранда
Дилининг тубида ётган иштиёқ —
Похол шляпани бошга кўндирди,
Шахт пойга тортидди ағдарма этик.
Набиралар ёққа тикилиб бир дам
Аста шивирлади:
Ҳайр, биз кетдик.
Кетдик...

Тин билмас ҳамон бу одам.
Гарч-гурч қорни босиб,
Гоҳ лойга ботиб,
Ажаб, изларми у бирор дафина?
Ҳе, олтин нимадир?
Уради отиби!
Дафина нимадир?
Дафина нима?!

У сариқ маъданлар адоларига
Аччиқ ҳақиқатни айтган рўйи-рост:
«Дунёга азалдан одам боласи
Белибос келган ва кетар белибос!»

Иш кунини бошлар шу калом,
Кун бўйи оромдан кечиш демас бу,
Кимга миннатдорлик
Ва кимга дашином
Не-не муаммони ечиш демас бу!
Кетдик...
Жамолни кўрсатмай офтоб.
Далага йўл олиш демас бу,
тикка.

Далалар тин олар,
Темир тин олар,
Аммо у кезини эттирар давом.
Шундай ҳалолланар
бир кеса қатиқ,
Икки лўкмагина парҳезийи таом...
Кезишу мулоқот,
Очиқ-ошкор баҳс,
Малҳам бўлмоқ шартдир ҳар қандай дардга.

Бу —
турфа «жанг»ларга бермоқ демас тоб,
Тонгдан киришиш бу—
фидойиликка!
Дунёнинг ишлари,
Ташвишлари мўл,
Дуч келар қувончга,
Аламга гоҳо

Боши
Толиқишдан айланса ноҳос
Шифокор игнаси келар мададга...
Сутка соатларни қани,
сал чўзса,

Ишнинг поёнига етолмас нуқул
Сутчалар соати қисқарганми ё?
Тупроққа ташланган митти чигитдан
Хирмонлар қадр қериб юксалди тоғ-тоғ,
Кўплар асабларга берар букун дам,
У ҳамон безовта,
Безовта бироқ.
Уч фасл
Меҳнатдан тўлганган замин
Ухлар

Оромли онларин топсангиз, қани.
Шодликдан тўлиқса,
Фамга йўлиқса
Кимлар изламас бу «райком бува»ни!
Одамга кўп нарса асли дарқормас,
Энг муқаддас нарса
Инсон деган от.
Сенга бўйлашмоғим дегандайин фарз,
Унда ўзлгини топмиш камолот!

Хатто тракторлар олаётган тин,
Пўрим бостирмалар тагида
саф-саф,
Аммо далалардан узмасдан қадам,
Кўллари ортида
Одимлаб бир-бир
Кезинар,

Қадамларинг кўздан тўкилгай.
Сендан куйган ҳамда сен куйган
Одамларинг кўздан тўкилгай.
Алдасалар... ишонмасалар...
ВАҚТ
Умидлар, орзулар
бўлмайдн адо,
Елканга тоғларни
орти борар бахт.
Пешонанг шўрини
ювоқми учун,
Қатор ариқларни
тортиб борар вақт.

ЯҲЁ ТОҒАЕВ ТЎРҒАЙ

Осмонларга чиқолмадим мен,
Ташмоққа сен ор қилдинг, тўрғай.
Мени «одам қавми» дединг-да,
Фалакларни ёр қилдинг, тўрғай.
Юлдузларга бойлаб дилимни,
Қил тутам тор қилдинг, тўрғай.
Осмон кўнди елкамга, бироқ
Сен қўнмадинг... ор қилдинг,
тўрғай.

Қўшни қизинг дарчаси ёруғ.
Юракнинг бир парчаси ёруғ.

АЛДАСАЛАР...

Алдасалар... ишонмасалар...
Аламларинг кўздан тўкилгай.
Донишмандлар англаб етмаган
Одамларинг кўздан тўкилгай.
Бу дунёга илк ва охириги

УМИД
Қўшни қизинг дарчаси ёруғ.
Юракнинг бир парчаси ёруғ.



Пионер ёни...



Р. АЛЬБЕКОВ фотоси

ҲАҚИҚАТНИНГ ЖАҲЖИ СУРАТЛАРИ

ХИҚОЯ

Ўзларингга таниш, юракка яқин бўлган манзаришдан расм чиқиб келинглар, — деди муаллим. Шунга қараб эркин темада ишпо ёзмайсиз. Кимнинг қандай қобилияти борлиги биланади.
Қарсан чиққан Рустам кишлоқларига эмас, кун чиқиб томон, дераздан кўриниб турган мовий қирлар сари олди.
— Уйга бормайсанми? — деди синфдоши Наби.
— Юр, айланиб келамиз, — деди Рустам ёлғиз боргиси келмай.
— Қирда нима қиламиз?
— Қир устидан ҳаммаёқ аниқ кўринади. Қишлоғимиз, канал, йўл — ҳамма-ҳаммаси. Расм чизиш учун жуда қудай.
— Онам темир йўлга яқинлашманглар деган, — Наби ваҳима қилди, — ўтган йили Бойхўрознинг иккита қўйини поезд босиб кетган.
— Қўрқма, яқин бормаймиз. Истасанг, поезднинг пастанд қир томон чиқиб келишини чизасан. Яхши расм чиқади.
— Кетдик, — деди Наби олдинга югуриб. Улар йўлга тушибди. Мактаб шундоқ қирнинг пастида жойлашган. Болалар сиз тўсиң-қур ўтиб тепага ўрлашди. Ўт-ўлан тизза бўйи Қўй-қўйлар ўтлаб юрибди. Офтоб ёнимда нур сочади, ҳаво салқин, нафас олиб тўймайсан! Тепада, осмоннинг аллақайси бурчагида тўрғай чўлдирайди. Рустам тўхтаб, қўлини пешонасига соябон қилиб осмондан уни қилдириди. Тополмади. Сўнг ўтлар устига чалақанча ётиб нафтини кўзига пана қилиб тикилди. Қўзлари ёшланди. Ниҳоят, топди. Митти қуш бир нуқтада қотиб қолганча сайрамоқда. Бирдан сайрашдан тўхтаб қанотларини ёнига қисиб паства ўндай отилади. Яна осмонга кўтарилган нуқтага айланади. Тўрғай галати куш... Икки дўст ўтлоқда қувлашиб қир тепасига чиқибди. Чор атроф яқоқ қўзга ташланади. Кун ботиш томон кенг сойлик. Қир пастида қатор уйлар. Ундан нарида экинзор далалар, боғ, асфальт йўл. Яна дала. Кейин Эски Ангор дарёси. Ялтираб, элас-элас қўзга ташланади. Дарёнинг адоғи қул. Сув тўланади. Олди ўтмон. Катта, ҳайбатли иккита дарвозаси бор. Сув шу ердан ўтиб паства — тўғоннинг орқасидаги каналга гүмбирлаб қўйилади. Сувнинг оқим тезлигини қирқиб унун паства бетон плиталар ташланган. Рустам у ерда кўп бўлган. Ҳар борганда сувнинг ваҳимали шовуллашидан юраги қўрқув аралаш ҳаяжонга тўлади. Лекин бундай туриш ёқадн. Тўғоннинг олдида бепов сув салтанати, Охишта чайқалади. Тўғон деворига урилади. Сувчўкишлар кўл юзасига ташланади. Балиқлар сувдан тепага ўзини отади.
Қирнинг кун чиқиб томон баҳайбат Жом тоғлари, У жуда яқин кўринади. Қирлар тизми тоғ томон баландлаб кетган. Шу манзаларни чизсам бўлаверайди. Аммо...
— Сен нимани чизасан? — деди Наби хаёли бўлиб.
— Бу ҳали сир, айтмайман, — деди Рустам кулиб.
— Мен, ҳув, нарироққа кетдим, — деди Наби. — Яқин ўтрасак бир-биримизга халақит берамиз.
— Тўғри айтасан. Шундай қиламиз.
Наби темир йўл яқин кўринадиган жойга ўрнашди. Рустам ундан узоқроқда, ўтлар устига узала тушиб сумкасини очди, рангли қаламлар, қоғоз олди. Уларни қўлай жойга қўйиб, паства, кишлоққа тикилди. Қаламининг учини чайнаб узоқ ўйланди, кейин ниямларинидир чиза бошлади. Ёқмади, ўчирди. Яна чизди. Кейин чизганлари ўзига ёниб, бутун борлиқини унутди.
— Кўпларнинг расми яқин чиқибди, — деди эрталаб Муродхон муаллим чизиларни кўздан чекиркан. — Наби темир йўлни, поезд

составини яқин чизган. Гулнора ҳовлисини. Ҳолида пахта даласини... Менга Рустамнинг расми жуда ёнди. Мана, кўринлар.
Муаллим болаларга узатди. Расм қўлма-қўл бўлиб кетди. Унда қир пастидаги ўзларнинг кишлоқлари тасвирланган. Уларнинг лойли, шиферли томлари, баланд теерақлар, осмонда кўёш кўринади. Аммо тўрт-беш уй алоҳида кўриб турибди. Туғнака томли, баланд антеннали, офтоб нурида пешоқлари ялтирайди.
— Бу уйлар кимларнинг? — Муродхон муаллим қўлим билан болалардан сўради.
— Уқувчилар расмга қараб ҳувиллашди: ферма мудириники, ошбориники, бухгалтериники...
Муаллим Рустамнинг ёнига келиб деди:
— Сен ҳақиқатнинг жажжи расмини чизибсан...
Рустам муаллимнинг қизиқ, «галати» гапларига тушунмади.
Дардан сўнг унга яна Наби ҳамроҳ бўлди.
— Сумкангни уйга ташла, фермага борамиз, — деди у. — Отам келинлар деганди.
Рустам кечгача барибир бекорлиги, отаонаси чўлдаги массивга кетганлиги, уйда ҳеч ким йўқлигини ўйлаб, рози бўлди. Набининг отаси Холиёр катта (лақби шундай) гўштликка топирилладиган молларга қарайди. Рустам баъзан Набининг қистови билан фермага боради. Холиёр аманига қўмаклашадилар.
Энди селлар ўқиб, оққорани танинлар,
Норқул ТИЛАВОВ

М АШИНА катта йўлга тушиб узоқлашиб кетди. Шундагина мудирининг кўзи бир четда турган Наби билан Рустамга тушди.
— Отанг билади, бошқа бировга гуллаб юрма, — деди Набига қараб, — тушундингми?
— Ҳа...
— Сен ҳам шу ердансанми? — Бир вақт у Рустамнинг устига бостириб кела бошлади...
— Ҳаммасини кўридингми-а?
— Ҳозир уради, важоҳати ёмон! Наби хаёлидан кечирди. «Бунда нима айб».
— Йў, бу ақлли йигит, ҳеч кимга айтмайди, — Йўлдош ферма тусланди. Чўнтагини кавлади. Бир даста қизил ўн сўмлиқ олиб ичидан биттасини сугуриб Рустамнинг чўнтағига солди. — Олиб қўй, китоб-дафтар олсан, Кийимларнинг ҳам эскирибди.
— Қўйинг, Йўлдош ана, керакмас! — Рустамнинг вужуди тоқ ургандай сесканди. Жирканч бир нарсани чўшлагандай пулни узатди.
— Ҳамма нарсамиз етарли.
— Ол дегандан кейин ол-да энди, — Йўлдош ферма кўлди. — Шунчалик бойимсан?!
— Ҳа, бойим!
— Бўймаса ўзингдан кўр. Ма, сен ол, отанингни ҳақи, — у пулни Набига узатди. Наби дудуқлашиб, иккиланганди, — ўшқирди, — шонинг чиқиб қолди, сен чўрақаларга ялмайин энди.
Пулни Набининг юзига улоқтириб нари кетди. Анчагача икковидан садо чиқмади. Энди нима қилиш керак, ўйларди Рустам. Қўппа-қундузи ўтирилиб? Нега энди ҳеч ким индамайди? Мудирининг олдини қайтарадиган одам борми? Балки бунин Муродхон муаллимга айтиш кераклиқ. Йў, яқини совхоз директорига айтиди. У ҳаммага раҳбар, Йўлдош ферманн уришади, молларни олдири келади. Беихтиёр дарвоза томон юрди.
— Кетясанми? — деди Наби ялннчоқ овозда. Бу гап қулоғига, «борясанми» дегандай эшитилди.
— Ҳа, директорга айтман.
— Нима? Нима қиласан? Йўлдош ферманнинг уйини кўйдирсан-ку! Отамгаям гап тегади. — Наби югуриб келиб олдида туриб олди. — Борма, жон жўра. Ма, шу пулни ол. Лекин айтма.
Қулоғи остида Муродхон муаллимнинг сўзлари янгради: «Ҳақиқат учун курашадиган одам бўлинлар. Ўғирлик, агрилик олдида бепарво бўлиш икковни мудратидн». Аччиғи келди.
— Сен ҳали ўғирнинг олдига тушясанми? — Мени дўстим десанг айтма, илтимос. У отамни ишдан ҳайдади.
— Ҳайдаса амалдан тушиб қоладими, бригадда ишлайверайди. Муаллим нима дегани эсингдан чиқди?
— Эсимда, лекин...
— Нима лекин?
— Энди... муаллим бўлгандан кейин айтаверайди-а.
Рустам уни итариб ташлаб дарвозадан қандай отилиб чиққанини билмайдн. Бир вақт қараса совхоз марказига олиб борадиган йўлда кетяпти. «Муаллимнинг сўзларини оёқ ости қилди. Аслида ўртоқ деб юрмасаям бўларкан. Шахарга у билан бормасаям. Бошқа синфдошлари билан кетяпти». Кейин идорадаги манзарани кўз олдига келтирди. Директорнинг эшитгани шундоқ очиб «мумкин» деди. Олдида одам бўлсаям, руҳсат бермасаям кирайди. Шундай-шундай бўлди, деди. Директорни олди раҳбар деганди, дардини тинлар. Иsobотинг қани, деса-чи? Ҳай, аттанг, машинанинг номерини ёзиб олмабди-да. Айтмоқчи, ўрнига олиб келинган бузоқлар-чи? Ана исботи. Урра, Йўлдош ферманнинг уйи кувягдан бўлди.
Анча енгил тортиди. У директорни идора олдидаги ҳовуз бўйидан топди. Директор даладан қайтган шекилли, дарахт остидаги сурида терлаб чой ичаётган экан. Бош бухгалтер, кассир атрофида парвона. Бирн эҳтилоқ қўйиб узатади, иккинчиси қўлида қалам-қоғоз, оғизга термиллиб турибди. Рустам икковини яқин танийди. Қўшин кишлоқдан. Энди Рустам иккиланиб қолди. Уришиб берса-й Уларнинг салобати босди. Шундан тўри далага кетса-чи. Кун кеч бўляпти. Одамга журъат керак. Ҳозир бориб айтиди.
У далланиб сўрига яқинлашди. Бош бухгалтер Болтавоёнинг кўзи унга тушди.
— Хой бола, бу ерда нима қилиб юрибсан?
— Директор бувада ишим бор — овози қалтираб чиқди.
— Сенинг бу кишида ишинг борми? Муштдай тирранчангин гапини қараинг, иши борми, — бухгалтер хоҳоллаб кўлди. Директор Рустамга ўтирилди.
— Кимнинг ўғли бу?
— Чўлдаги Ўжмақул бригадир бор-ку, — деди гапта кассир аралашиб, — отаси ўтган йилди устимиздан ўзаяди.
— Ҳа, энди эсладим!
— Яқинроқ кел, бола, — деди бухгалтер кулидан тўхтаб. — Мойли Мирзаевич, бу отасига тортибди. Бир балони бошлайди.
Рустам сўрига яқинлашди. Ҳа, ҳайрат аралаш қадалган кўзларга, тикрайган кўзларга дадил тикилиб фермадаги воқеани айтиди. Учқолашган тек қотди.
— Э, ўтмайлиди яқинча қизган, — деб юборди беихтиёр бухгалтер.
— Тес, — деди кассир хушёрлик қилиб.
— Шундай лекин, — деди директор салмоқлашиб, — балли, комсомол дегани хушбўлушли керак. Бизга келиб тўғри қилисан. Директорингга Айтмази, тўғри яқини беш баҳо қўлади.
— Мен нетаверайми?
— Албатта. Бошқа бировга гапириб юрма, ўзимиз тўғрйлаимиз, ўша ферма мудирининг жаозсини берамиз. Хўпми?
— Майли...
Рустам дили равшан тортиб наизга қайрилди. Сал юриши билан орқасидан гүмбирлаган кулги эшитилди. Тўхтаб қаради, учқолаш ичкалари узингдек хоҳоларди. Миясига бир фикр ирқ этиб урилди. «Поччаси» дедими? Унда бу иши директорнинг буйруғи билан қилнган экан-да. Роса бошлаб алдади-ку. Хўрлиги келди. Лекин ўзини тутди. Йўлда биров елкасидан ушлади, ўтирилди: Муродхон муаллим! Қўнгли ушлаб бирдан кўзига ёш келди. Муаллимнинг енгидан ушлаб юзини лширар экан, қулоғи остида шу «галати» сўзлар жаранглади. «Сен, ҳақиқатнинг жажжи расмларини чизибсан».

